O'ZLIDEP

# XXI asr

Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

17-fevral 2022-yil 7 (953) | www.21asr.uz | @XXIasrofficial | Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

# ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган соҳа – чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, соҳада илғор технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**



Жаҳон миқёсида пандемия давом этаётган бир шароитда, устига-устак, иқлим ўзгариши, сув танқислиги каби омиллар оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ва нархининг ўсиши глобал муаммога айланиб бормоқда. Аҳоли кундалик истеъмолининг **30** фоизини эса гўшт, сут ва тухум каби маҳсулотлар ташкил этиши назарда тутилса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим тармоғи – чорвачилик соҳаси экани ўз-ўзидан аён бўлади.

**“Бугунги йиғилишни ўзим ҳар бир вилоят ва туман кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиб ўтказаётганимнинг яна бир муҳим сабаби – 2022 йилда чорвачиликда камида 300 минг, қўй-эчкичиликда 150 минг, пиллачиликда 1,2 миллион, жами 1 миллион 650 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича барча имконият ва захира мавжуд”,** деди Президент.

Давлатимиз раҳбари вилоят ёки туманда гўшт, сут ва тухум маҳсулотларига талаб қанча, бу талабни қондириш учун **2022** йилда қандай тизимли ишлар қилиш керак, деган саволларга бирорта ҳудуд раҳбарида аниқ тасаввур йўқлигини танқид қилди. Чорвачилик ва пиллачиликда бугунги вазифаларни бажариш ва айтиб ўтилган иш ўринларини яратишга шахсан вилоят ҳокимларининг ўзи масъул ва жавобгар бўлиши таъкидланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, республика бўйича ҳар **2** кишига ўртача **1** та қорамол тўғри келса, бу кўрсаткич Наманган, Фарғонада **4** кишига **1** та, Тошкент вилояти ва Сурхондарёда **3** кишига **1** тани ташкил этмоқда. Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сурхондарёда йирик чорвачилик хўжаликларининг сони қолган ҳудудларга нисбатан **1,5-2** баравар кам. Чортоқ, Нарпай, Ургут, Олтинсой, Ўртачирчиқ ва Урганч туманларида аҳолини гўшт билан таъминлаш даражаси **40** фоизга етмаса-да, ушбу туман ҳокимлари **2022** йилда аниқ лойиҳаларни ишга туширишни режа қилмаган.

Йиғилишда кооперация орқали чорвани кўпайтириш вазифаси қўйилди ва намунали тажрибалар кўрсатиб ўтилди. Масалан, **Миришкор**да ҳоким ёрдамчиси ва фермер хўжалиги ҳамкорлигида аҳолига қорамол ҳамда қўй ва эчки тарқатилган, етиштирилган сут ва гўштни сотиб олиш йўлга қўйилган. **Чуст**да томорқа хизмати корхонаси аҳолига **2-3** тадан наслли қорамол тарқатган, ветеринария хизматларини бепул кўрсатаётир, гидропоника усулида озуқа етиштиришни йўлга қўйган. **Балиқчи**да ер ресурслари чекланган шароитда хонадонларда **20** тагача зотли қорамол боқилмоқда. Паррандачилик корхонаси аҳолига **50-100** бош хонаки парранда ва инкубатор тарқатган, мингтадан тухум сотиб олиш ва паррандачиликни кўпайтириш йўлга қўйилган **Тахиатош** тажрибаси алоҳида қайд этилди. Мазкур тажрибаларни оммалаштириш мақсадида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Қўй-эчкилар сонини кескин кўпайтириб, аҳолини жундан маҳсулот тўқиб, даромад топишга рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада **Ангрен, Косон, Ромитан** ва **Навбаҳор**даги кооперация бўйича намунали тажрибалар кўрсатиб ўтилди ва уларни икки ой муддатда **60** та туманда йўлга қўйиш тайинланди. Аҳолига ушбу мақсадда кредитлар ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида **50** миллион сўмгача гаров таъминотисиз ажратилади, кредит фоизининг ярмини қоплашга компенсация берилади.

Йиғилишда ўн кун муддатда кооперация асосида аҳолига **350** минг бош қўй ва эчки тарқатиш ишларини бошлашга топшириқ берилди. Бунга **100** миллион доллар йўналтирилади. Соҳа мутасаддиларига вилоят ва туман ҳокимлари билан бирга бир ҳафта муддатда **67** та йирик қўй ва эчкичилик хўжаликларини ташкил этиш ишларини бошлаш вазифаси қўйилди.

> Йил якунига қадар **123** та йирик лойиҳани ишга тушириш, ҳар бир кластерда камида **500** бошли чорва комплекслари ташкил этилиш чоралари белгилаб олинди. Чорва комплексларини кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун **120** миллион доллар маблағ кредит ресурси сифатида йўналтириш, чорва бош сонига мутаносиб равишда озуқа ерлари ажратиш, имтиёзлар бериш каби топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида тўхталди. Вилоят ҳокимларига **2** миллион гектар сувли ер майдонининг камида **10** фоизига беда ва чорва озуқа экинларини алмашлаб экишни таъминлаш топширилди. Шунингдек, фойдаланишдан чиққан ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига йирик чорва комплекслари ташкил этилади.

Сувни тежаш технологиялари ёрдамида озуқа экинлари етиштиришни йўлга қўйган хўжаликлар қўллаб-қувватланади. Жумладан, ҳар бир гектар учун **8** миллион сўм субсидия берилади ва бошқа енгилликлар ҳам кўзда тутилган. Президент **2022** йилда халқаро молия ташкилотларидан **500** миллион доллар жалб этиб, чорвачиликни ривожлантириш лойиҳаларига йўналтириш зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда чорва маҳсулдорлигини ошириш, наслчиликни яхшилаш, умуман, соҳага илм ва илғор тажрибаларни жорий этишда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг роли кучайтирилиши таъкидланди. “Чорванасл” агентлигига ҳар бир туман кесимида чорвачиликда наслчиликни яхшилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш топширилди.

Йиғилиш якунида белгилаб берилган вазифалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

ФАРОВОНЛИК

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитовнинг Қашқадарё вилоятида ташкил этилган учрашувларида унумдор ерлардан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда ҳосил етиштириш амалиётини қулайлаштириш хусусида сўз юритилди.**

# РЎЗҒОР ОБОД, ОИЛА ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

Қарши Ирригация ва агротехнологиялар институтидан бошланган мулоқотлар давомида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси асосида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда таъкидланганидек, аграр тармоққа оид ихтиролар келгусида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун яқин кўмакдош вазифасини бажариши шубҳасиз. Дарҳақиқат, еттинчи йилдирки, мамлакасоқ пиёз, ошқовоқ, карам экиб, яхшигина фойда кўришаётгани бошқаларга ибрат эмасми?!

Бир сўз билан айтганда, деҳқончилик, чорвачилик, иссиқхона, паррандачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳар бир ҳудудда ривожлантириш ва йиллар давомида шаклланган тажрибалар оммалаштиришга вилоят миқёсида катта эътибор қаратиляпти.

Эътиборли жиҳати, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хаитов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов, Қашқадарё вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муротжон Азимов** Чироқчи туманида бун-



тимизда томорқа хўжалигини ривожлантириш борасидаги ишлар аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Одамлар ризқ-барака томорқада эканлиги, ундан самарали фойдаланиш фаровонлик сари элтишини ниҳоят англаб етишди.

Қувонарлиси, Қарши туманидаги Потрон қишлоғида яшовчи Собир Рўзиев хонадони кўпчиликка ибрат бўла олади. Масалан, бу уйда 4 бош қорамол, иккита соғин сигир, 40 бош парранда боқилаётир. Ёки ҳовлидаги плёнка остида етиштирилган помидор кўчатининг ўзидан 50 млн сўм даромад олишаётгани ва ҳатто уйлари ёни ва йўл ёқаларига ҳам саримёд этилган “Томорқачилик илмий-амалий маркази” биносининг очилиши маросимида ҳам иштирок этишди. Муротжон Азимов бу марказ қашқадарёлик томорқачиларнинг тажриба оширадиган севимли масканига айланишига ишонч билдираркан, ўзи ҳам вақти-вақти билан бу ерда ўтказиладиган машғулотларда қатнашиш истаги борлигини, Қарши шаҳридаги ҳовлисида қўй, қуён ва товуқ боқаётгани, келгусида мўъжазгина иссиқхона ташкил этиб, дастурхонини ўзи етиштирган сабзавот маҳсулотлари билан безаш ниятида эканини айтди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**“XXI asr” мухбири**

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!




Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ. Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store”дан “XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.

**Газетанинг электрон обуна нархлари:**
**12 ойлик – 96 минг сўм;**
**6 ойлик – 48 минг сўм.**

БУГУНГИ СОНДА:



АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ

**Аксарият мутлақо тўғри ҳисоблайдиган ушбу тамойилни “Иқтисодий сиёсат бирламчи” тарзида ўзгартириш фурсати етти, назаримда**

2 с.



СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ ИНСТИТУТИ

моделлари, турлари ва марказлари ҳақида

4 с.



ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ МАҲАК ТОШИ

6 с.

ЕТТИ ЙЎЛНИНГ ЮЗ ЙЎЛАГИ

# АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ

**Аксарият мутлақо тўғри ҳисоблайдиган ушбу тамойилни “Иқтисодий сиёсат бирламчи” тарзида ўзгартириш фурсати етти, назаримда**

“Қуруқ қошиқ оғиз йиртар”чилар ёхуд “Оч қорингга сиёсат сингмайди”га мойиллар мақолани охиригача ўқишга сабрлари етса бас – тушунмовчиликлар ўз-ўзидан барҳам топажак. Зотан, қай тармоқни олманг, унинг сиёсати оқилона юритилмаса ё депсинади, ё инқирозга юз тутади. Иқтисодиёт соҳаси ҳам кучли сиёсатсиз ривожланмайди. Таҳлилга таянган тадориксиз тараққиёт бўлмайди.

Бақувват иқтисодга инновацион ислоҳот орқали эришилади. Ислоҳот одилона сиёсат пойдевори асосида қурилгандагина муваффақият қозонади. Бунда муддат ва манзилнинг, яъни таъсир доирасининг аниқлиги, молиявий манбаларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Натижа халқ фаровонлиги ва одамлар турмуш даражасининг ошишида намоён бўлади.

Шу маънода Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси галдаги беш йилга мўлжалланган ислоҳотлар компаси вазифасини бажаради, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, унинг **УЧИНЧИ йўналиши** миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш масалаларига бағишланган бўлиб, жами 15 та мақсадни қамраб олгани ҳам **“Иқтисодий сиёсат бирламчи”**лигига ўзига хос далилдир.

Мазкур мақсадларга етишнинг йўлу усуллари, режа-жадваллари чуқур мулоҳаза чиғириғидан – мутахассисларнинг “ақлий ҳужуми”дан ўтказилгани эса таҳлилга таянилганидан дарак. Экспертлар ибораси билан айтганда, стратегиянинг тактикаси ҳам истиқболли. Жаҳон тажрибасида синалган ёндашувларга миллий манфаатлар уйғунлаштирилган. Кўр-кўроналик ёхуд кўчирмакашликдан қочилган. Таклиф этилаётган ўзгаришлар мантиққа асосланишига урғу берилган.

Масалан, **миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган сиёсатни давом эттириш** (22-мақсад)ни олинг. Шу орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар оширилади. Барчамиз гувоҳ бўлдикки, юқорида биз тилга олган иқтисодий сиёсат янада тиниқлик касб этиб, энди **саноат сиёсати сифатида** тақдим этилаётир.

Хўш, саноат сиёсатининг ҳозирги талаби қандай? Кўрсаткич қай томонга ишора беряпти? Табиийки, саноатнинг етакчи тармоқларини янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш кечиктириб бўлмайдиган масала янглиғ қўйилган.

Иқтисодий либерализм турлича талқин қилинишини инобатга олиб, Ўзбекистон энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштиришни мақсад қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Боиси соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш даркор. Акс ҳолда, турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ истак-даъволар баландпарвоз гап бўлиб қолаверади.

Мис саноати кластерини ташкил этиш ҳам узоқни кўзлаган сиёсат маҳсули аслида. Шу орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар кўпайтириш мақсад қилинган. Белгиланган маррага етиш 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос яратишини англатади бу интилиш.

Ҳозир мамлакатимиз фуқароларини автомобиль саноатида кутиладиган янгиликлар қизиқтираётгани шубҳасиз. Стратегияда айни йўналиш ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу борада кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баравар, экспорт ҳажмини 2 баравар кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш масаласи қўйилган. Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини ягона саноат кластери усулида ташкил этиш эса нафақат тармоқ тараққиётига хизмат қилади, балки минглаб юртдошларимиз учун кафолатланган иш ўрни ҳамда барқарор даромад манбаи яратади.

Қурилиш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, электротехника, мебель ва озиқ-овқат – сезганингиздек, саноат турларидан айримларини санашга ҳам анча вақт кетади. Айтмоқчимизки, ниҳоятда кенг соҳанинг амалдаги тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш орқали бугун кунда мавжуд муаммоларнинг салмоқли қисмига барҳам берилади.

**Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш** – Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида 25-мақсад сифатида белгиланган бўлса-да, қолган мақсадларнинг барчасига бевосита боғлиқлиги нуқтаи назаридан ажралиб туради. Чунки рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш туфайли аҳоли масканлари ҳам, ижтимоий объектлар ҳам, магистраль автомобиль йўллари ҳам кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олинади.



Ўта шиддат билан кечаётган глобаллашув даврида турғунлик нимадан бошланади? Қобиққа ўралиб қолишдан! Инновацион тараққиётга тушовнинг дастлабки кўриниши не? Қолипларда қолиб кетиш!

**Иқтисодиётнинг реал секторида, молия-банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириш** учун чиндан-да “драйвер”лик даркор.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди платформасидаги вазифаларнинг Тараққиёт стратегияси йўналишларига мослиги ёки ғоят уйғунлиги электорат манфаатларини ишончли ҳимоялаш, уларнинг мурожаатларини ижобий ҳал қилишда янада кўпроқ қулайлик яратади. Ўзи 100 мақсаднинг қай бирига чуқурроқ разм солманг, унда O‘zLiDeP ғоялари хайрихоҳларининг муддаолари у ёки бу тарзда акс этганини англаш мушкул эмас.

Мисол учун, **инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича “пастдан – юқорига” тамойили асосида янги тизимни йўлга қўйиш** режалаштирилган 28-мақсаднинг замирида ҳам муҳим масалалар ўрин олган. Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш чакана иш эмас ахир.

Республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ҳам Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан саналади. Жумладан, Сирдарё вилоятининг Хитой, Сурхондарё вилоятининг Россия Федерацияси, Жиззах вилоятининг Ҳиндистон бизнес доиралари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш яқин келажакда сезиларли самара беради, албатта.

Сурхондарё вилоятида “Инвесторларга кўмак маркази”, Навоий кон-металлургия комбинатида “Бизнесга кўмаклашиш маркази”, Тошкент шаҳрида “Илғор лойиҳалар ва инжиниринг маркази”, шунингдек, ҳар бир туманда “Инновация ва технология марказлари” ташкил қилиниши тадбиркорларга амалий ёрдам кўлами ҳар томонлама кенгайишини билдиради.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 29-мақсади тўлиғича O‘zLiDeP электорати манфаатини ифодалайди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, унда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш долзарб вазифа сифатида киритилган.

Бунда ҳар йили **Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “Очиқ мулоқоти” ўтказилиши** кўпгина масалаларга жойида ечим топилишида муҳим омилга айланади. Давлат раҳбарининг қадами етган жойда жонкуяр ишбилармонлар билан самимий суҳбат чоғида кўтарилаётган муаммолар қисқа вақтда бартараф қилинаётгани сўзимиз исботидир.

Шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги пировард мақсад **2026 йилгача тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш**дан иборат.

Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, бизнесни бошлаш учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш хусусида анчадан бери гапириляпти, ёзиляпти. Лекин қон-қонга сингиб кетган буйруқбозлик, сансалорлик иллатларидан қутулиш қийин кечмоқда.

Стереотип қарашлар иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш, олди-сотди муносабатларида эркин бозор қоидаларини бемалол қўллашга ҳам халал бераётир. **Баъзида мутасаддиларнинг ҳаддан зиёд эҳтиёткорлиги ҳам иқтисодий сиёсатни тубдан янгилашга кўринмас тўсиқ бўляпти.**

Мана, узоққа бормайлик, “Аввал иқтисод, кейин сиёсат” тамойилини “Иқтисодий сиёсат бирламчи” тарзида ўзгартириш фурсати етмадими, деган таклифга қанча олиму мутахассислар ўйламай-нетмай қаршилик кўрсатяпти. Стихияли акс садо дейди бунинг отини.

Ўта шиддат билан кечаётган глобаллашув даврида турғунлик нимадан бошланади? Қобиққа ўралиб қолишдан! Инновацион тараққиётга тушовнинг дастлабки кўриниши не? Қолипларда қолиб кетиш!

Гапнинг индаллоси, қобиқлардан қутулганлар, қолиплардан қочганларгина теран англайди Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳиятини!

**Озод РАЖАБОВ**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

# МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ЭЪТИБОР



**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида O‘zLiDePнинг “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш борасида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва мутахассис-экспертлардан иборат алоҳида ишчи гуруҳлари тузилди. Мазкур ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссия таркиби тасдиқланди.**

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги устувор йўналишлар ва мақсадларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларни белгилаб олиш ҳамда масалани муҳокама қилиб, хулоса ва таклифларни тайёрлаш мақсадида махсус давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда.

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан биргаликда “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш вазифалари” мавзусида давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбир давомида стратегияда миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш йўналишидаги устувор мақсад ва вазифалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш бўйича тақдимотлар, тушунтиришлар, савол-жавоблар, кенг муҳокама ва мунозаралар бўлиб ўтди. Жўяли таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни янада такомиллаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ҳамда амалий механизмлар батафсил тушунтирилди. Ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишга бевосита масъул бўлган ҳар бир вазирлик ва идоранинг чора-тадбирлар режаси ҳамда “йўл харитаси” муҳокама қилинди.

Тадбир якунида O‘zLiDeP ҳамда унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари ва эксперт гуруҳлари томонидан ушбу йўналишлар бўйича тизимли ишлаш механизмлари белгилаб олинди.

**Насимжон АЛИМОВ,**
**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Сиёсий таълим маркази раҳбари**

ҲИСОБОТ

# “AGROLAB” ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида “Агробанк” АТБ Бошқарувининг 2021 йил якунлари ва 2022 йил режаларига бағишланган очиқ ҳисоботи бўлиб ўтди.**

Ўтган йили банк томонидан иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, тадбиркорлик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун 25,4 трлн. сўмлик кредит ажратилди ва бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 3,5 трлн. сўмга ёки 116 фоизга ошди. 2022 йилда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун жами 32 трлн. сўм кредит ажратиш ва ўтган йилга нисбатан ўсишни 7 трлн. сўм ёки 126 фоизга етказиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигида замонавий билимларни жорий қилиш мақсадида юртимизнинг бир қатор олий ўқув юртлари билан бирга 5 та ҳудудда “Фермерлар мактаби” ташкил қилинди. 2021 йил ноябрдан республика бўйича 15 мингга яқин фермер хўжаликлари раҳбар ва ишчилари ўқитилди. 2022 йил якунига қадар яна 65 минг фермер ўқишга жалб қилинади.

2021 йили фермерлар ва томорқа ер эгалари учун қишлоқ хўжалигида “100 та китоб” лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу тўпламдан 10 мингта чоп этиб тарқатилди. Электрон шаклда agrobank.uz сайти, telegram боти орқали фойдаланиш имконияти яратилди. 40 турдаги ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича китоблар тўплами тайёрланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олиш ва сотишга ихтисослашган “AgroZamin” платформаси яратилди. 2022 йилда аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш бўйича Агрохизматлар марказлари ташкил қилиняпти.

Туманларда “Agrolab” ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати ишга туширилади. Бу шохобча орқали кўчма ва карантин лабораторияси, тадқиқот учун иссиқхона ва ер даласи, умумий амалиёт хонаси, тайёр маҳсулотларни сотиш дўкони, юк автомобиллари ҳамда агрегатлар базаси ташкил этилади.

“Агробанк” АТБ 30 га яқин янги хизматлар жорий қилиниб, масофавий хизматлар ҳажми оширилди. Хусусан, юридик ва жисмоний шахслар учун мобиль илова орқали онлайн кредитлар жорий қилинди. Бу йўналишда Россия (Транскапиталбанк), Жанубий Корея (Ханабанк) банклари билан биргаликда онлайн халқаро пул ўтказиш имконияти яратилди. Хорижда ишлаётган ватандошларимиз ва уларнинг оила аъзолари учун “Мадад” онлайн микроқарзи таклиф этилмоқда. Энди халқаро пул ўтказмаси амалга оширган мижозга 10 млн. сўмгача масофадан кредит ажратилади.

Банк 2021 йили Chakana.uz маркетплейсини ишга туширди. Бу платформа орқали мижозлар маиший техника ва жиҳозларни банкка келмасдан масофадан кредитга сотиб олишлари мумкин.

“Агробанк” АТБ республикамизда биринчилардан бўлиб картомат қурилмасини татбиқ этди. Бу қурилма ёрдамида мижоз банк картасини олиш учун “Face-ID” тизими орқали идентификация қилинади ва карта автомат тарзда расмийлаштириб берилади. Бугунги кунда банкнинг ҳудудий филиалларида 44 та картомат қурилма ўрнатилди. 2022 йил давомида эса барча филиалларга (жами 170 та) бундай қурилмалар ўрнатилиши режа қилинган.

2022 йили янги “Смарт офис” лойиҳаси амалга оширилади. Аҳоли гавжум жойларда ташкил қилинадиган ушбу офислар орқали мижозлар банк ходими иштирокисиз 24/7 режимида хизматлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Яна, янги рақамли “Fresh” филиали фаолияти ривожлантирилади.

“Агробанк” АТБ жамоаси аҳоли ва мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича 2022 йилда ҳам кенг кўламли ислоҳотларни жадал давом эттиради.

**“Агробанк” АТБ матбуот хизмати**

ДАВРА СУҲБАТИ

# ЖАМИЯТГА КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ КЕРАК

**Республика Маънавият ва маърифат марказида OʻzLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” устувор йўналишларига бағишлаб “Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш вазифалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**





Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, OʻzLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров қатнашди.

“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маънавий ривожланишни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш йўналишидаги устувор мақсад ва вазифалар”, “Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорлики умуммиллий ҳаракатга айлантириш”, “Янги маънавий макон ва маърифатли жамият барпо этиш йўналишидаги устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш механизмлари” мавзуларида таниқли олимлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари маъруза қилдилар, биргаликда амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр алмашдилар.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо ўз сўзида олдинда турган долзарб вазифаларга тўхталди:

– Биламизки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси кўпроқ амалий лойиҳалар асосида ишлайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятдир”. Агар ўз сафида миллий иқтисодиётимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорларни бирлаштирган партия маънавий-маърифий тизим жонкуярлари бирлашса, катта мақсадлар йўлида ҳамкорлик қилса, улкан натижаларга эришиш мумкин.

Бугунги кунда OʻzLiDePнинг аъзолари сони 1 миллион 100 мингдан ошгани бежиз эмас. Улар орасида илғор фикрли, инновацион ёндашувлари, ватанпарварлиги билан янги Ўзбекистон ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган йирик тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, таниқли олимлар, қурувчилар, шифокорлар, адабиёт ва санъат намояндалари бор.

Мамлакатимиз иқтисоди жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Унда тадбиркор ва ишбилармонлар фаол ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда бирор-бир соҳани уларсиз тасаввур қилиш қийин. Тадбиркорлар томонидан нафақат янги ишлаб чиқариш корхоналари, балки хусусий таълим муассасалари, ўқув марказлари, мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, хусусий тиббиёт муассасалари, нодавлат телерадиоканаллар, интернет сайтлари, реклама агентликлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Мазкур муассасаларда ҳам маънавий-маърифий ишлар устувор бўлиши зарур.

Тадбиркорлик маданиятини ва бозор маънавиятини юксалтиришга эҳтиёж бор. Афсуски, бугун мўмай фойда илинжида ўз қадриятлари илдизига болта ураётган, беҳаёлик, ахлоқсизликни тарғиб этаётган “уддабурон”лар ҳам йўқ эмас. Давра суҳбатида ана шундай ҳолатлар, жумладан, хусусий телерадиоканаллар, реклама агентликлари орқали эфирга узатилаётган хорижий сериаллар, фильмлар, реклама воситалари маънавий мезонлар асосида муҳокама қилинди.

Муҳокамада Республика Маънавият ва маърифат маркази нинг масъул ходимлари, OʻzLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда партиядан Тошкент шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутатлар қатнашди.

Тадбирда Марказ ва партия келгусида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан келишиб олинди.

**Фаррух ЖАББОРОВ,**
**“XXI asr” мухбири**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Айниқса, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди.**

# ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ АЖРАТИШДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ



**Бахтибой АЛДАМУРОДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Жаҳон иқтисодий алоқаларида меҳнат миграцияси муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёнининг ривожланиши билан миграция оқими ҳам тобора жадаллашиб ушбу масалани ҳар томонлама ҳал этиш давр талабига айланмоқда. Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳанинг мустаҳкам қонунчилик асослари яратиляпти.

Бу борада хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш, меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиётини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаётир.



**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Мазкур ҳужжат билан ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари қонун даражасида мустаҳкамланади. Халқаро ҳужжатлардаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинади.

Энг муҳими, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, меҳнат мигрантларининг ҳисобини юритиш ва ушбу соҳада мониторингни амалга оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, маромига етказиш бўйича фракциядошларимиз билан биргаликда қатор таклифлар билдирдик ва маъқулладик.



**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Йиғилишда “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдик.

29 та моддадан иборат ушбу қонун лойиҳаси билан 4 та кодекс ва 22 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.



**Мавлуда ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Лойиҳада биргина Ер кодексига киритилаётган ўзгартишларда белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ерга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш бўйича кадастр органларининг судларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқи қайд этиляпти.

Ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши билан барча қонун ҳужжатларидаги ерга оид нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг яголиги таъминланади. Ер участкаларини ажратишда шаффофлик таъминланиб, алоҳида ҳужжатларда белгиланган имтиёз ва истиснолар бекор қилинади. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда мазкур ҳужжатни ҳам маъқулладик.

**Фракциянинг навбатдаги йиғилишида депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитишди.**

# ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН 145 МИЛЛИОН СЎМ СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАЙТАРИЛДИ



**Сардорбек ҒИЁСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Ҳисобот даврида Омбудсман ўз фаолиятини асосан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг фаолиятига эътибор қаратиб, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлади.

Ўтган даврда Омбудсманга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан 18 738 та мурожаат келиб тушган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 14 975 тани ташкил этган.

Ҳисобот даврида Омбудсман парламент назорати субъекти сифатида 11 257 та мурожаатни ўз иш юритувига олиб, уларнинг 2 517 таси (23 фоизи)ни ижобий ҳал этди. Энг муҳими, мурожаатлар асосида тадбиркорларга 145 миллион сўмлик ортиқча тўланган солиқ тўловларини қайтаришда кўмаклашди.



**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Мониторинг ташрифлари давомида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган жойларда ушлаб турилган ва сақланаётган 4,5 мингга яқин шахс билан жамоавий ва 758 нафар шахс билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилган. Ташриф якунлари бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига, вазирлик ва идораларга юборилган.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Феруза Эшматованинг маълум қилишича, Омбудсман ҳисобот даврида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан ишлаб чиқилган ва “project.gov.uz” электрон тизимига жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрганиб чиқди. 39 та лойиҳанинг 141 та моддасига ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Шундан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг 9 таси бўйича билдирилган 47 та таклиф ва мулоҳаза инобатга олинди.



**Умидахон ЗОКИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Президентимизнинг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Омбудсман ҳамда унинг ҳузуридаги Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда мониторинг ташрифларини амалга ошириш белгиланган.

2021 йилда Омбудсман мониторинг ташрифларини амалга оширишни тизимли йўлга қўйиб, 177 маротаба шундай ташрифни амалга оширди. 2020 йилда эса улар атиги 76 маротабани ташкил этган.



**Иқболжон МИРЗААЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**OʻzLiDeP фракцияси аъзоси**

– Фракция аъзолари Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти якунларини муҳокама қилиш билан бирга, фуқароларнинг таълим олишга, малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, маҳбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти механизмларини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар билдирган ҳолда, вакилнинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботини маъқуллашди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан партия фракциясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**“XXI asr” мухбири**

www.21asr.uz
@XXIasrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
17-fevral 2022-yil 7 (953)

ТАЖРИБА ВА ТАДҚИҚОТ

**ҲАР БИР ДАВЛАТДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР РИВОЖЛАНАР ЭКАН, СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТГА ЭРИШИШДА САЙЛОВЛАР МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ. ҲАР БИР СИЁСАТЧИ БУ МУҲИМ ЖАРАЁНДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ УЧУН АЛБАТТА ЎЗ ОБРЎСИНИ ОШИРИШ, СИЁСИЙ МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ ЗАРУР БЎЛАДИ. БУ ЙЎЛДА ЭСА СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЧИЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА СИЁСАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ФИКРИНИ ЎРГАНИШДА СИЁСИЙ КОНСАЛТИНГ ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.**

# СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ ИНСТИТУТИ

## МОДЕЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА МАРКАЗЛАРИ ҲАҚИДА

### СИЁСИЙ КОНСАЛТИНГ (МАСЛАҲАТ) НИМА?

Таърифи – махсус ихтисослаштирилган компания ва мутахассисларнинг сиёсат субъектларига бевосита маслаҳат ва тавсиялар асосида ёрдам кўрсатишдаги фаолиятдир. Сиёсий консультант эса сиёсий консалтинг соҳасида фаолият олиб борувчи мутахассисдир. Олимлар А.П. Ситников ва Э.Г. Морозованинг фикрларига кўра, сиёсий консалтинг бу – юқори самарали технологияларни яратиш ва амалга ошириш орқали сиёсий компанияларни интеллектуал ва ташкилий қўллаб-қувватлашга оид профессионал фаолиятдир.

Замонавий сиёсий маслаҳатчиларнинг энг биринчиси сифатида кўпинча Жон Бекли (1757–1807) эътироф этилади. У 1796 йилги АҚШ президентлигига сайловлар давомида Томас Жефферсон учун 30 мингга яқин сайлов бюллетень ва қоғозларини Пенсилвания штатидаги 12 минг сайловчисига тарқатган. Биринчи сиёсий консалтинг фирмаси сифатида калифорниялик эр-хотин – Клем Уайтекер ва Леона Бакстерларнинг компаниясини мисол қилиш мумкин. Улар 1934 йилдан 1958 йилгача фаолият олиб борган 75 та сайловолди кампаниясидан 70 тасида ғалаба қозонишган. Шунингдек, Жозеф Наполитан биринчи сиёсий консультант ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, айнан Жозеф Наполитан XX аср 60-йиллари бошида сиёсий консалтинг терминининг кенг қўлланишига сабабчи бўлган.



### МИЛЛИЙ МОДЕЛЛАР

Бугунги кунда сиёсий консалтинг соҳасида ривожланган бир қанча моделлар мавжуд. Улардан энг муваффақиятлилари Америка, инглиз, немис, француз моделлари ҳисобланади. Сиёсий консалтинг соҳасининг **миллий моделларини** шакллантиришга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

*– мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши;*

*– жамиятда демократиянинг ривожланганлиги;*

*– тараққиётининг тарихий-маданий хусусиятлари;*

*– фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки ва фаоллиги;*

*– фуқаролик жамиятининг етуклиги ва бошқалар.*

Шунингдек, юқорида келтирилган миллий моделлар бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, Америка миллий моделида сиёсий консалтинг **объекти** сифатида шахслар кўрилса, европача моделларда эса асосан сиёсий консалтинг объектлари сифатида сиёсий партиялар кўрилади. Шунга қарамасдан, барча сиёсий консалтинг соҳаларининг вазифалари деярли ўхшашдир. Сиёсий консалтинг соҳасининг асосий вазифалари қуйидагилар:

*– сиёсий вазиятни ўрганиш;*

*– сиёсий вазиятни прогноз қилиш;*

*– маркетинг фаолиятини амалга ошириш;*

*– сиёсий вазият ёки таъсир субъекти бўлган тузилмаларни яратиш ва ушбу тузилмаларни ўзгартириш;*

*– мавжуд сиёсатга таъсир қилиш учун у ёки бу тарзда ишлаб чиқилган лойиҳалар ва тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;*

*– сиёсий вазиятга таъсир кўрсатувчи стратегик ва тактик режаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш;*

*– сиёсий вазиятни ўзгартириши мумкин бўлган омилларга тезкор жавоб бериш;*

*– сиёсат субъектларига сиёсий консалтинг технологиялардан фойдаланиб, маслаҳатлар бериш ва ҳоказо.*

Мазкур вазифалардан келиб чиқсак, хорижий мамлакатларда сиёсий консалтинг соҳасини ижтимоий институтга айланиши қуйидаги омиллар билан белгиланади:

**биринчидан,** мамлакатдаги сиёсий режимнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан фунционал муносабатининг қандай бўлишида;

**иккинчидан,** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунларга риоя қилишида;

**учинчидан,** ижтимоий вакиллик, жамоатчилик назорати ва халқнинг сиёсий иштироки ва давлат қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирок этиш даражаси;

**тўртинчидан,** давлат ҳокимияти органларни шакллантириш жараёнида ҳукмрон ва мухолифат гуруҳлари ўртасида эркин рақобатлашиш имконияти даражаси.

### СИЁСИЙ КОНСАЛТИНГ ТУРЛАРИ

Маслаҳатчиларнинг ролига қараб, икки тур:

*1. Сиёсий консультация сиёсий аппарат таркиби ичида, яъни сиёсий партия таркибидаги маслаҳатчилар томонидан;*

*2.* ***“Ташқаридан”*** *яъни сиёсий консалтинг фаолияти билан шуғулланувчи илмий муассасалар ёки консалтинг фирмалари томонидан амалга оширилади.*

Ички маслаҳатчиларнинг афзаллиги шундаки, улар ўз ташкилотини яхши билади. Бироқ шунга қарамай ички консультантларда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, уларга мунтазам маош тўлаш ва таълим олиши учун маблағлар ажратиш молиявий жиҳатдан яхшигина тайёргарликни талаб қилади. Бундан ташқари, ички консультантлар ташқи тарафдан келувчи танқидга дучор бўлмайдилар ва улар қилган хатолар камдан-кам ҳолатларда аниқланади.

Ташқи сиёсий консультантлар эса катта иш тажрибасига эга бўлади, турли сиёсий ташкилотларнинг барча жабҳаларида ишлашдан қўрқмайди ва улар билан энг мураккаб муаммоларни ҳам муҳокама қилиш мумкин. Бундай маслаҳатчиларга фақат маълум бир лойиҳа учун ҳақ тўланади, бу эса мутахассисларни тайёрлаш ва ривожлантириш харажатларини камайтиради. Сиёсий субъектларнинг бир-бирларига ўзаро таъсирининг расмийлиги жиҳатидан сиёсий консалтинг **норасмий, расмий ва аралаш**га бўлинади.

*Норасмий сиёсий консалтинг* маслаҳат ва тавсиялар беришнинг мавзулари, манбалари, мазмуни, шакли ва услуби бўйича баҳоланади. Норасмий консалтинг билан сиёсатчи учун баъзи ностандарт маълумотларни етказиш ва уни тинглашга ундаш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Норасмий консалтинг пайтида сиёсатчи, агар керак бўлса, тавсияларни рад этиши ва уларга эътибор бермаслиги мумкин.

*Расмий сиёсий консалтинг* барча турдаги тегишли профессионаллик, расмий ва сиёсий маълумотларга, махсус оммавий ахборот воситалари билан бўладиган мулоқотларни, шунингдек, сиёсатчининг ўз ёрдамчилари ёки тегишли консалтинг ташкилотлари билан шартнома асосидаги консалтинг фаолиятини ўз ичига олади.

*Аралаш сиёсий консалтинг* турида бир томон расмий ролни, иккинчиси эса норасмий ролни бажаради. Томонлардан бири *(кўпинча сиёсатчи, давлат арбоби)* у билан қандайдир расмий муносабатларга эга бўлган *(расмий, ҳукумат, сиёсий ва ҳоказо)* консультантдан маслаҳат сўрайди, лекин унинг норасмий фикрдан кўпроқ фойдаланишини хоҳлайди. Бундай фикрдан маълум шароитларда ушбу раҳбар сиёсий восита сифатида фойдаланиши мумкин.

### СИЁСИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗЛАРИ

Келинг, АҚШда фаолият юритаётган айрим сиёсий консалтинг компаниялари мисолида таҳлил қиламиз.

Ушбу давлатда AAPC, яъни Америка сиёсий маслаҳатчилар бирлашмаси, Axiom Strategies (2005), Crosslink Strategy, Jamestown Associates, Current management каби сиёсий консалтинг марказлари мавжуд. Улар асосий сиёсий партиялар – Республикачилар ва Демократлар учун сайловларда, жумладан, ***президентлик, шаҳар, губернаторлик*** ва бошқа сайловларда ўз хизматини таклиф этиб келмоқда. АҚШда сиёсий консалтинг фаолияти тижоратлашган. Бундай фирмалар ҳар йили бир неча миллиард доллар даромад топади. Сиёсий консультантлар эса АҚШда энг кўп маош олувчи ходимлар сирасига кириб, уларга ўртача ойига 18,5 минг АҚШ доллардан 500 минг АҚШ долларгача маош тўланади. Сиёсий консалтинг компаниялари АҚШ федерал қонунлари асосида ишлайди ва солиқ органларида рўйхатдан ўтади.

Ўзида сиёсий эксперт ва консультантларни бирлаштирган **Европа сиёсий консалтинг марказлари** ҳам сиёсий фаолиятда етакчилардан саналади. Улар турли буюртмалар асосида сиёсий тадқиқотлар ўтказиш, сиёсий таҳдидларнинг таъсирини ўрганиш ва минималлаштириш, сиёсий лоббизм, брендинг, имижмейкинг каби соҳаларда фаолият кўрсатади. Бугунги кунда Европада Mckinsey&Company, Cardence worldwide, KRMG, Deloitte, Eurogroup consulting France, Bearing point ва Европа сиёсий консултантлар кенгаши сингари машҳур сиёсий консалтинг марказларини кўришимиз мумкин.

Россия Федерациясида сиёсий консалтинг АҚШ ва Европадан нисбатан фарқ қилади. Россия сиёсий консалтинг институтлари Европа марказларига ўхшаб кетади. Мамлакатда 1990 йиллардан бошлаб сиёсий консалтинг марказлари ривожланиб келмоқда. Бироқ Россияда сиёсий консалтинг марказлари Нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, федерал қонунлар, жумладан, ННТлар тўғрисидаги қонун, шунингдек, Россия федерацияси президентининг тегишли фармонлари асосида ишлаб келмоқда. Ҳозирги пайтда Россия сиёсий консалтинг марказлари орасида 1993 йилда ташкил этилган “Сиёсий технологиялар маркази” энг йирик сиёсий консалтинг марказларидан ҳисобланади. Ушбу марказ шу вақтга қадар давлат ва хусусий ташкилотлар учун 5 мингдан ортиқ лойиҳани амалга оширган. 2014 йилда ташкил этилган “Россия сиёсий консультациялар ассоциацияси” эса 20 мингдан ортиқ сиёсий кампанияларни амалга оширган. Бундан ташқари, Россияда сиёсий технологиялар устида иш олиб борувчи “ИМА КОНСАЛТИНГ”, “Полилог”, “Новоком” каби сиёсий консалтинг ва PR-агентликларини келтириб ўтиш мумкин.

***

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда хорижий демократик мамлакатларда сиёсий консалтинг соҳаси ва марказлари ўз фаолиятини самарали амалга оширмоқда. Ҳатто бу борада айрим давлатларда сиёсий консалтинг соҳаси марказлари ва сиёсий консультантлар алоҳида бирлашмаларга бирлашган. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Аргентина, Россия бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистонда сиёсий консалтинг институтларини ривожлантириш, бу борада турли ривожланган сиёсий консалтинг марказлари билан ҳамкорлик қилиш, илмий мақолалар ва қўлланмалар тайёрлаш, сиёсатшунослик дарсларида сиёсий консалтинг соҳасига кўпроқ эътибор бериш учун барча асослар бор ва энг асосийси, ушбу институтнинг ривожланиши тобора эркинлашиб бораётган жамият ва ривожланаётган сиёсий бошқарув тизими талабларига ҳам мос келади.

**Арслонбек ҲУРМАТБЕКОВ,**
**мустақил тадқиқотчи**

---

МУЛОҚОТ

**ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ “ANAMED” ТИББИЙ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ РАҲБАРИ, O‘zLiDeP ФАОЛИ НОСИРБЕК АБДУЛЛАХОНОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**



# СЕНАТОР оқсоқоллар ва ёрдамчилар ҳузурида

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда МФЙларнинг долзарб вазифалари” мавзусидаги ушбу тадбирга Наманган шаҳрининг Давлатобод ва Янги Наманган туманидаги маҳаллалар раислари, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари таклиф этилди.

Мулоқот иштирокчилари дастлаб диагностика марказида аҳоли саломатлигини сақлаш, турли касалликларни аниқлаш мақсадида яратилган шароитлар, замонавий тиббий ускуналарининг ишлаш жараёнлари билан яқиндан таништирилди.

Шундан сўнг сенатор “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси”, хусусан, унинг биринчи ва учинчи йўналишларида халқпарвар давлатни шакллантириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, “маҳаллабай” ишлаш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилгани, шу мақсадда ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимлари жорий этилгани, уларга ички имкониятларини ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, аҳолининг оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун дастур доирасида кредитлар олишга кўмаклашиш, муаммолар ва мурожаатларнинг ҳал этилишига ёрдам бериш чораларини кўриш, оилаларнинг моддий-ижтимоий аҳволи тўғрисидаги зарур бўлган маълумотларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот дастурига киритиб бориш вазифалари юклатилгани ҳақида тушунча берди.



Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ҳоким ёрдамчилари вакиллари бу борада жорий йилнинг январь ойи ичида бажарган ишлари ҳақида ўртоқлашдилар. Шунингдек, айрим масалалар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга сенатор Носирбек Абдуллахоновдан атрофлича жавоб олдилар.

**Комилжон ФАЙЗИЕВ**

---

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланмоқда



**O‘zLiDeP ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ГУРЛАН ТУМАНИДА “БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ” МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**



Мулоқот давомида 2022 йил 15 февралдан 15 апрелгача БПТларда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларини сифатли ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Бугун ушбу туманда 86 та партия қуйи бўғини бўлиб, ўз атрофига жами 5986 нафар аъзони бирлаштирган.

Галдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларининг кун тартибида O‘zLiDeP бошланғич ташкилотининг 2021 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, БПТ раиси ва ўринбосари қайта кўриб чиқилади, таянч тузилмаларнинг 2022 йил учун иш режалари тасдиқлаб олинади. Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида уни амалга оширишга оид давлат дастури”да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда БПТнинг 2022 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Семинар иштирокчилари ҳисобот-сайлов йиғилишларини сифатли ташкил қилиш, унга партия депутатлик гуруҳи аъзоларини жалб қилиш, фахрийлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, партиявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётганларни рағбатлантириш ишларини самарали йўлга қўйиш бўйича фикрлашдилар.

Айниқса, тумандаги барча маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларини ташкил қилиш ва уларда аниқланган муаммоларнинг ижобий ечимини топишда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига аҳмият қаратилди.

**Дурдона ҚОБУЛОВА,**
**O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ташкилий партиявий ва истиқболли кадрлар билан ишлаш бўлими мудири**



ЭҲТИРОМ

# СИЗДАН ЎРГАНГАНИМ МАРДЛИК, ТЎҒРИ ЙЎЛ

**ҚАДИМ ШАРҚ ФАЙЛАСУФЛАРИДАН БИРИДА ШУНДАЙ ҲИКМАТ БОР: "ЎЗ ФУҚАРОЛАРИНИ ЎҚИТМАГАН ПОДШОҲ ҲАҚИҚИЙ ҲУКМДОР БЎЛОЛМАЙДИ. ДЎСТИГА НАСИҲАТ ҚИЛИБ, ТЎҒРИ ЙЎЛГА СОЛИШГА УРИНМАГАН МАРД ЭР ОЛИЖАНОБЛИК ХИСЛАТИДАН МАҲРУМДИР. ТИНМАЙ ИЛМ ОЛГАН ВИЖДОНЛИ ИНСОН, АЛБАТТА, БУЮК ДОНИШМАНДЛИК ДАРАЖАСИГА ЕТМОҒИ ТАЙИН. ВА ИЛМНИ СЕВГАН ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН ВОҚЕЛИККА ЗИД ИШ ҚИЛМАЙДИ".**



Узоқ йиллик кузатишларимга таяниб айтаманки, Мирза Улуғбек Абдусаломов умри давомида қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, атрофидагиларини доимо илм олишга даъват қилди, тўғри йўл кўрсатди. Қандай қарор қабул қилмасин, адолатга таянди. Шу боис ҳам халқимиз ўртасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган.

Эсимда, 2004 йилда 26 декабрда мамлакатимизда илк маротаба икки палатали парламентга сайлов бўлиб ўтди. Ўша вақтларда мен Конституциявий суд эксперти сифатида фаолият юритар эдим. Номзодимни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига қўйиш таклифи билдирилди. Албатта, ишонч билдириш яхши, лекин номзодлик, бу ҳали депутат бўлди дегани эмас-да. Қолаверса, бу каби катта сиёсий жараёнда иштирок этиш учун, аввало, ўзим ишлаб турган идорадан розилик олишим керак эди. Бахтимга ўша вақтларда Конституциявий судда Мирза Улуғбек Абдусаломов раислик қилаётган эди.

– Номзодингизни қўяверинг, – деди у киши мендан бу гапни эшитгач. – Бу, биринчидан, ходимларимизга бўлган ишонч ва эътибор бўлса, иккинчидан, депутатликка сайланмай қолсангиз, яна қайтиб келаверасиз, ўрнингизни ҳеч кимга бермай турамиз.

Мен каби оддий қишлоқ йигитига, ёш кадрга билдирган бундай эътибор ҳурматимни оширди, сайловларда ғолиблик учун ҳаракат қилишимга катта далда бўлди. Таъкидлашим лозим, Мирза Улуғбек Абдусаломов кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида қайси лавозимда ишламасин, теран фикри, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги билан эл орасида катта обрў-эътибор қозонди. У киши узоқни кўзлаб иш юритадиган раҳбар, самимий инсон, мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси – Конституциямизни яратиш ва мустаҳкамлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшган забардаст ҳуқуқшунос олим ва таниқли давлат арбобидир. Адлия, суд-ҳуқуқ, сайлов тизими ва давлат бошқаруви соҳасида катта тажрибага эга, юксак салоҳиятли раҳбар сифатида нафақат Ўзбекистонда, хорижда ҳам танилган. Бир сўз билан айтганда, миллий сайлов қонунчилигимизнинг ҳассос амалиётчиси ва толмас тарғиботчисидир.

Фаолиятининг энг масъулиятли даври Марказий сайлов комиссияси раиси лавозимида ишлаган вақтига тўғри келди. 16 йилдан ортиқ вақт мобайнида мамлакатнинг халқаро майдонда демократия тамойилларига содиқлигини кўрсатиб беришга масъул идорада раҳбарлик қилишнинг ўзи бўлмасди. У киши Марказий сайлов комимиссиясига раис бўлган даврда, аниқроғи, 2019 йилда "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида ўтган сайловларда республикамизда демократик ислоҳотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур янги сиёсий муҳит пайдо бўлди. Сайловлар очиқ-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини кузатиш учун 50 га яқин давлат ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан жами 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик тўлақонли миссияси билан ҳам яқин ҳамкорлик қилинди. Натижада халқаро кузатувчилар сайловларимиз эркин рақобат муҳитида сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтгани, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этишди. Албатта, бу, ушбу тадбирни ўтказишга бош-қош бўлган Мирза Улуғбек Абдусаломовнинг хизматлари меваси эди.

Президентимизнинг тақдимига мувофиқ устоз 2021 йил 5 фераль куни Олий Мажлис Сенати томонидан Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланди. Бугун эса шу суднинг раиси лавозимида юртимизда конституциявий назорат институтини янада ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда.

Қувонарлиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 14 февралда имзолаган фармонига биноан давлат идораларидаги кўп йиллик меҳнати, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришдаги ибратли фаолияти, профессионал маҳоратли кадрларни тайёрлашга қўшган ҳиссаси ҳамда таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Мирза Улуғбек Абдусаломовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони берилди! Бу юртимизда фидойи ва жонкуяр кадрларга ҳамиша юксак эҳтиром ва эъзоз кўрсатилишининг амалий ифодаси ҳамдир.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

ЭЪЛОН

## "ISTIQBOL REALTOR SAVDO" РИЭЛТОРЛИК КОРХОНАСИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига "Buxoro xalqaro aeroporti" МЧЖ балансидаги Бухоро вилояти Когон тумани "Ўбачўли" МФЙга қарашли Юқори Ёби қишлоғи ҳудудида жойлашган умумий фойдали майдони 461,5 кв.метрдан иборат бўлган ёрдамчи хўжалик бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Мулкнинг бошланғич баҳоси – 196 274 647.8 сўм.

Аукцион савдоси 2022 йил 24 март куни соат 15:00 да Бухоро шаҳри Б.Нақшбанд кўчаси 251-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар 2022 йил 18 март куни соат 15:00 га қадар қабул қилинади. Талабгорлар диққатига: 2022 йил 24 март кундаги аукцион савдосида сотилмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари соат 15:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдолар учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан 2 (икки) кун олдин соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукционда катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Istiqbol Realtor Savdo" ХК нинг АТ "ЎзСҚБ" Яшнобод филиали, МФО 00432, СТИР 200553098, 20208000900103349001 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси; хорижий юридик шахслар – уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси; Ўзбекистон Республикасида яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси; аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат пули тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси; закалат тўғрисидаги келишув ёки буюртманома талабгорнинг номидан ваколатли вакил томонидан имзоланган ёхуд аукцион савдоси жараёнида ваколатли вакил қатнашган, аукцион савдоси натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан имзоланган тақдирда, ваколатли вакилнинг шахсини ва унинг ваколатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (гувоҳнома, ишончнома) нусхаси. Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Ахборот-консалтинг хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 30В-уй. тел: (93) 555-95-00.

**Лицензия RR-0268.**

МЕҲР-ОҚИБАТ

**КЕЙИНГИ ЎН БИР ЙИЛДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ТАРБИЯ ТОПГАН 3 МИНГ 637 НАФАР 19-30 ЁШ ОРАЛИҒИДАГИ ШАХСЛАР ҲАЁТИ ЎРГАНИЛГАНДА УЛАРНИНГ 2,5 МИНГДАН ОРТИҒИ ТУРМУШ ҚУРМАГАНИ, 1 МИНГ 473 НАФАРИ ИШСИЗ ЭКАНИ, 347 НАФАРИ ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИБ КЕТГАНИ, 22 НАФАРИ ВАФОТ ЭТГАНИ ҲАМДА 43 НАФАРИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАНИ АНИҚЛАНГАН. ШУ МАЪНОДА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАСИ ОЛҚИШЛАНМОҚДА.**



# "Бир фарзандим етти нафар бўлди"

## дейди O'zLiDeP фаоли, жиззахлик тадбиркор Шарофат Нориева

– Ушбу амалиётда бола тақдири энг асосий мезон. Мутасадди ташкилотлар билан бирга ҳар бир даъвогар оила ўрганиб чиқилмоқда. Талабгорлар учун 72 соатлик машғулотлар йўлга қўйилган. Болалар дастлаб ўша оилада маълум муддат яшаб кўради, муҳитга кўникиб кетишсагина, ўз хоҳиши билан юборилади, – дейди Миллий гвардиянинг Жиззах вилоят бошқармаси масъул ходими, майор Отабек Холматов.

Жиззах шаҳридаги 29-меҳрибонлик уйида 82 нафар бола тарбияланаётган эди. Айни пайтда уларнинг 32 нафарини 6 та оилавий болалар уйи қабул қилди. 11 нафари ўз оиласи бағрига қайтарилди. 4 нафари олий таълим муассасасига, яна 5 нафари касб-ҳунар мактабларига кирди. 4 нафари васийлар қарамоғига топширилди. Қолган 26 нафари ҳам тез кунда ўз оиласини топиш арафасида.

Бу хайрли ишга халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, тадбиркор Шарофат Нориева ҳам бош қўшди. 29-меҳрибонлик уйидан 6 болани бағрига олди.

– Ёлғиз ўғлимиз бор эди. Бир фарзандимиз энди етти нафар бўлди, – дейди опа ҳаяжонини яшира олмай. – Насиб қилса, бу болаларимни ҳам оқ ювиб, оқ тараймиз. Элу юртга нафи тегадиган, ҳаётда ўз йўлини топиб кетадиган инсонлар қилиб вояга етказамиз.

Ўғил-қизларни Миллий гвардия ходимлари оилавий болалар уйига олиб келган кун ҳақиқий тантанага айланиб кетди. Улар янги муҳитда бироз тортиниб турган бўлса-да, кўнгилларидаги қувонч ял-ял ёнган юз-кўзларида намоён эди. Хайрли ташаббус мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёйиб, улар каби яна қанча болалар ўз оилаларини, яқинларини топганига, эртанги кунлари ёруғ бўлишига ишончимиз ортади. Янги Ўзбекистонда меҳрибонлик уйи ёки, халқ тилида айтганда, болалар уйининг болалари бўлмайди.

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

# СИЗГА ЎХШАГИМ КЕЛДИ

**O'ZLIDEP ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ "АЁЛЛАР ҚАНОТИ" НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА "O'zLiDePНИНГ ЛИДЕР АЁЛЛАРИ ВА ЁШЛАР" МАВЗУСИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.**

"Бунёдкор аёллар" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирга институтнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ректор ёрдамчиси С. Бекчанова, Кегейли туманидаги "Арзу" фермер хўжалиги раҳбари П. Салиева, Нукус шаҳридаги "Ратмина" меҳмонхонаси раҳбари А. Бегжанова, "Зияда Нур" ўқув маркази раҳбари З. Утеназарова, "Гулимед Фарм" хусусий тиббиёт маркази раҳбари Г. Хожамуратова таклиф этилгани бежиз эмас. Мақсад – ушбу лидер аёллар билан яқиндан мулоқот баҳонасида талаба қизларда улардек бўлишга орзу-ҳавас уйғотиш, аниқ ният сари одимлашлари учун туртки беришдир.



Тадбиркорлик ва турли йўналишларда тенгдошларига қараганда анча фаол бўлган бу хотин-қизларнинг ҳаёт йўли ўзи бир мактаб. Эришган ютуқ ва тажрибалари бир сабоқ. Шу боис уларнинг ҳаётий суҳбатларини талабалар диққат билан тинглашди, мулоқот кўнгилдан, самимий ўтгани учун нозик саволларини беришга ҳам тортинишмади.

Бундай самимий учрашувлар бошқа таълим масканларида ҳам давом эттирилмоқда.

**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати**

СУД ҲИМОЯСИ

# УЙИМГА БОЛАМ БИЛАН КИРИТИБ ҚЎЙИНГ...

**Ҳаётда кўп гувоҳ бўламиз, турмушдаги турли низо ва келишмовчиликлар туфайли жаҳл устида келин ота уйига кетиб қолади ёки чиқариб юборилади. Жаҳлдан тушгач, айб иккисидан ҳам ўтганини англаб етгандан сўнг ёш келин-куёв яна бирга яшашни истайди. Аммо... бу гина-кудуратлар қайнонаю қайнотанинг дилидан кетмайди. "Ўламан саттор, қайта қадамини босмасин бу уйга, киритмайман!", деб икки оёқларини бир этикка тиқиб олишади.**



Чиққан қиз чиғириқдан ташқари дейдилар. Аввалига жабрдийда кўринган қизини қучоқ очиб кутиб олган ота уй ва унинг яшовчилари олдида ўзини ноқулай, ортиқчадек сезаверади жувон ўзи ва боласини. Келинлик уйига қайтиб борса, бу аҳвол... Кейин ноилож судга мурожаат этади ва...

*Даъвогар Н. Ботирова жавобгар Р. Ашуровга нисбатан уй-жойга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилди. Унда жавобгар Р. Ашуровнинг ўғли О. Ашуров билан 2016 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, жавобгарнинг Миробод туманидаги тегишли уйига келин бўлиб тушгани, биргаликдаги турмушидан 2017 йилда туғилган фарзандлар борлиги, ҳозирда ҳомиладорлиги, мазкур хонадонда турмуш ўртоғи билан 2019 йил март ойига қадар бирга яшаб келгани, оилавий келишмовчиликлар сабабли ота-онасининг уйида яшаётгани, айни пайтда бошқа тураржойга эга эмаслиги боис вояга етмаган фарзанди билан биргаликда ўша келин бўлиб тушган уйига киритиб қўйишни сўради. Қайнота бўлмиш Р. Ашуров ҳам буни тан олиб, келини ва набирасининг уйига кириб, яшашига қарши эмаслиги, фақат жанжаллашмай яшашса, эътирози йўқлигини билдирди. Турмуш ўртоғи О. Ашуров ҳам бунга қаршилиги йўқлигини айтди...*

Хўш, энди бу масалага оид қонунларда нима дейилган? Уй-жой кодексининг 32-моддасига биноан **уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга, мулкдор берган тураржойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар.**

**Оиланинг бошқа аъзоларини эса уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади!** Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида тураржойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Савол туғилади: *тураржой мулкдорининг оила аъзолари кимлар ҳисобланади?* Тураржой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади.

Суд юқоридаги вазиятда аниқлаган ҳолатларга кўра, даъвогар киритиб қўйишни сўраган уй ҳақиқатан унинг қайнотаси – Р. Ашуровга тегишли. Н. Ботирова унинг ўғли О. Ашуров билан 2016 йил 12 октябрда қонуний никоҳдан ўтган, турмушларидан бир нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Турмуш қурган вақтларидан буён уй эгасининг розилиги асосида ушбу хонадонга киритилиб, яшаб келган. Н. Ботирова келишмовчиликлар сабабли ушбу хонадондан 2019 йилда чиқиб кетган. Мазкур ҳолат жавобгар ва учинчи шахслар томонидан инкор қилинмади ва жавобгарнинг ёзма аризаси асосида ўз исботини топди.

Бундай ҳолатда суд юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогарни ушбу хонадонга вояга етмаган фарзанди билан яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиб қўйишни лозим деб ҳисоблади ва бу ҳақда ҳал қилув қарори чиқарди.

Демак, бир оила қайта тикланди, ота-она фарзандлари билан биргаликда яшаб, бахтли ҳаёт кечиришларига яна бир бор имконият берилди. Бундан ҳар икки тараф ҳам тўғри хулоса чиқариб, бир-бирларини қадрлашсалар кифоя.

**Саида АБДУРАҲМОНОВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьяси**

ЎЛМАС СИЙМОЛАР

# Ўзбек адабиётининг маҳак тоши



**ИЛДИЗИ МИНГ ЙИЛЛАРГА БОРИБ ТАҚАЛАДИГАН ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ЎТГАН АСР АДОҒИ ВА ЯНГИ АСР БОШИДА ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН НАМОЯНДАСИ – ФАЙЛАСУФ ШОИР, ЗУККО ТАДҚИҚОТЧИ, ЗУЛЛИСАНОЙН ТАРЖИМОН, НОСИР ВА ЖУРНАЛИСТ МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ҲАҚИДА КЎП ВА ХЎБ ТАСНИФЛАР АЙТИШ МУМКИН.**

**ҚАНДАЙ ШОИРЛИГИ ҲАҚИДА ЗАМОНДОШИ – ЎЗБЕКНИНГ УЛУҒЛАРИДАН БИРИ АБДУЛЛА ОРИФДАН ОШИРИБ ТАЪРИФ КЕЛТИРИШИМ ҚИЙИН: “МАТНАЗАР АДАБИЁТИМИЗНИНГ МАҲАК ТОШИ ЭДИ. У ЁЗГАН ФАЛСАФИЙ ШЕЪРЛАР МИНГ ЙИЛЛАР ЯШАЙЖАК!”**

**ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО, МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ ВА БОШҚА МУМТОЗ ШОИРЛАРИМИЗ ҲАҚИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ШУ СОҲАНИНГ БИР ПРОФЕССОРИ, ЙЎҚ, БИР АКАДЕМИГИ ТАДҚИҚОТИ ДАРАЖАСИДА ЭДИКИ, ҲАЛИ ҲАМОН БЎЛҒУСИ ОЛИМЛАР УШБУ МАНБАЛАРГА ҚАЙТА ВА ҚАЙТА МУРОЖААТ ҚИЛИШМОҚДА.**

**ФОРСИЙ АДАБИЁТДАН ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА... ЎЗ ТИЛИНИ ЧАЛА-ЧУЛПА БИЛАДИГАН МЕН БАНДА НЕ ДЕЙИН?**

**ОҒАНИНГ НОСИРЛИГИ-ЖУРНАЛИСТЛИГИ ҲАҚИДА — ШУ СОҲАГА УМРИНИ БАҒИШЛАГАН БИР ИНСОН СИФАТИДА БАҲОЛИ ҚУДРАТ АЙТА ОЛАМАН.**

***

...Матназар оға билан даврий матбуот учун ўн иккита суҳбат тайёрлаганман. Бу суҳбатлар ўз вақтида республиканинг нуфузли газеталарида босилган ва айримлари кейинчалик китобларга ҳам кирган.

“Суҳбат тайёрлаганман” деб оғиз тўлдириб айтаяпман-у, аслида бу жараёнда менинг вазифам саволлар тузишдан иборат эди, холос. (Тўғри, айрим ўринларда оғанинг “гап халтаси”ни очиш учун мавзуга оид маҳрам саволлар ҳам беришдан чекинмаганман).

Тузилган саволлар ёзув машинкаси ҳажмида бир ё кўпи билан икки варақча бўлар, уларни ёшуллига элтиб берардим. Оға саволларни ўқиб, бир-икки ўринга қўшимча саволлар қўшар ва мен – меҳмонини унутиб, шу заҳоти ёзув машинкаси қошига ўтириб... “чиқ-чиқ” овозлар ортидан бетакрор сўзлар – ноёб, ўхшаши йўқ фикрлар қуйилиб келаверарди. Ва кейин бу тайёр суҳбатни таҳририятларга ўзимча ғурурланиб элтиб берардим...

***

...Бир суҳбатимизда Матназар ака шундай фикрни келтирганлар: “Ҳокимият” сўзи негизида – “ҳукм”, адабиёт сўзи негизида эса “адаб” сўзи мужассам. Таассуфки, адабни ҳукм билан йўлга солиб бўлмайди. Шу маънода адабиётнинг юмуши оғир келади”.

Замонасининг ҳушёр муҳаррири суҳбатдаги айни шу сўзларни олиб ташлабди. Ўшанда оғамизнинг жиғибийрон бўлганлари: “Бу суҳбат эмас, думи юлинган ҳўрозга ўхшаб қолибди”.

***

Тасодиф кўзим нуфузли газетада чиққан устознинг театр мавзусидаги мақоласига тушиб қолди. Ҳийла салмоқли мақола. Театрга томошабинни тортиш борасида ғоят ўринли таклифлар. Саҳналарда қўйилаётган маза-матрасиз асарлар ҳақида мулоҳазалар...

Ушбу газетани кўтарганча ёнларига бораман. Мақолани кўрмаган эканлар, ўқишга тутинадилар ва кутилмаганда муштлари тугилади: “Мақоланинг кириш қисмида ёзган фикрларни олиб ташлашибди. Гўё мен бировнинг уйига дарвоза орқали эмас, девордан ошиб киргандек бўлибман. Бу “саводхон” муҳаррирларга қолса... сени деворошар эмас, девортешар ўғрига айлантиришади”.

***

Қайсидир республика газетаси учун тайёрлаган суҳбатимиз (бу мақола муҳаррир томонидан буюртма қилинганини ҳам эслатай) тақдири қизиқ кечган. Саккиз варақ ҳажмдаги суҳбатни ўзим таҳририятга олиб борган ва бош муҳаррир уни кейинги сонда беришга ваъда қилганди.

Кейинги сонни кутдик. Чиқмади. Ундан кейингисини кутдик. Яна йўқ!

Пойтахтга йўлим тушганида мақола тақдири билан қизиқдим. Қўрқоқ муҳаррир расмий материаллар кўпайиб кетгани, суҳбатни тайёрлаб қўйишгани, шу яқин сонлардан бирисида беришни режалаштирганини айтди. Қувониб қайтдим, аммо...

Орадан ярим йил ўтса-да, суҳбат чиқмади. Шу орада Матназар аканинг ўзлари атай мақола тақдирини билиш учун пойтахтга бордилар ва...

“Тавба дедим. Мақолани топа олишмади. Кун бўйи бўлим мудири билан даста-даста қоғозларни титдик. Мақола йўқ! Зўр мавзу эди-да, афсус!”

Муҳаррир бўлса, пинагиниям бузмай “Шундай бўлиб қолибди... бошқатдан тайёрласанглар, берамиз” деганмиш. Мен-ку “савол тузишга устамон” журналист – ўша суҳбатни “қайта жонлантириш” таклифини айтаман. Оға бўлса бош чайқайди: “Бир сувни икки марта кечиб бўлмайди! Икки марта ичиб ҳам. Бизда, афсус сўзга муносабат шундай! Замонасоз муҳаррирлар сўзни ўқувчига етказишни эмас, уни ими-жимида дафн қилиш ҳадисини олишган”...

***

Буларни нега айтяпман? Журналистик фаолиятимда кўплаб ижодкорлар билан суҳбатлар уюштирдим, мақолалари чиқишига ёрдамим теккан. Ўшанда уларнинг қувонганлари, каминага раҳматлар ёғдирганлари...

Бирортаси мақола ёки суҳбатдаги “Фалон жойи олиб ташланибди-ку!” демаган. Мақоласи чиққанидан хурсанд бўлишган.

Шу маънода Матназар Абдулҳакимга – у кишининг ҳар бир ёзган сўзга эътиборига қайта ва қайта қойил қолавераман. Бир сўз учун тортишиш – ўз фикри учун курашиш оғамизга – ҳақиқий ижодкорга хос фазилатлардан бири эди.

Бирда айтганлари: “Мопассан асарида битта вергул қўйилмагани учун ноширни судга берган. Ҳозир ноширу муҳаррирлар қилиғини – вергул у ёқда турсин, бутун-бутун жумлаларни “қириб ташлаётганлари” учун судга бераман десанг... умринг етмайди!”

...Бу ўша замонлар – цензура бекор қилинса-да, муҳаррир аҳлида ички цензура маддалаб кетган даврлар эди...

***

Яна бир мақтанай: оға билан ҳаммуаллифликда мақола ҳам ёзганман. “Варварларнинг ваҳшийлиги тарихдан маълум”, деган сўзлар билан бошланувчи бу мақола тақдир тақозоси билан Хоразмни ватан тутган форсий қавм – Қўшкўпир туманидаги Оқдарбанд қишлоғи аҳли ҳақида эди. Республиканинг нуфузли газетасида бир саҳифа ҳажмида чоп қилинган мақоладан кейин ушбу қишлоқда форс тилида ўқитадиган мактаб фаолият бошлаган, энг асосийси, бизнинг таклиф бўйича қишлоқ қадим номига қайтарилганди.

Ва кейинчалик ушбу қишлоқда яшайдиган форсийлар ҳақида устоз билан ҳаммуаллифликда китоб ёзишга киришдиг-у, аммо бу ишимиз чала қолиб кетди...

***

...Матназар ака оғир хасталикка чалинган йиллар. Ҳафтадан узоқлашмай кўргани бораман. (Янада тўғрироғини айтсам, ўша вақтда қизларим уларнинг уйларида яшаб, институтда ўқишар, шундоғам улар учун ул-бул нарса олиб боришим керак эди-да!)

Оға бир суҳбат китоб қилиш режасини айтдилар: “Умр поёнлаяпти, Рўзимбой. Кўп нарсаларни айтишга улгурмадим. Сен, бирор юзта савол туз! Барча мавзуларни қамраб олсин. Айтадиган гапларим кўп...”

Афсус, жисмини кунаро емириб бораётган дард бу суҳбат китоб яратилишига имкон бермади.

Адабиётимиз – сўз мулкимиз Матназар Абдулҳаким айтмоқ бўлган – “умр дафтари”да йиғилган тоши оғир, мулоҳазаси кенг, қадим воҳа чинорларидай теран томирли фикрлардан бебаҳра қолди...

***

Таганрогдаги олий даргоҳни рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича тугатган оға иш фаолиятини туман газетасида бошлаганлар. Яна денг қишлоқ хўжалиги бўлимида. Ҳафтада уч марта чиқадиган туман газетасида “ғўза чеканкаси”, “чорва озуқаси”, “суғориш мавсуми” мавзуларида мақолалар ёзган одамнинг нақадар қийналганлари, тирикчилик ташвишида ҳар куни белгиланган “ёзиш меъёрини” бажариш учун далама-дала юрганлари кўз олдимга келади. Ва бир куни...

“Муҳаррир айни ғўзани суғориш вақтида сусткашликка йўл қўяётган бир бригадир ҳақида танқидий мақола ёзишимни буюрдилар. Ёздим. Газетада чиққач, ўша бригадир билан учрашиб қолдик. Устида униққан кийим, соқоли бирор ҳафта олинмаган, қовоқлари шишиб кетган одам ўпкаланди: “Матназар, кеча-кундуз отизда ётибман. Бу пахта деб умрим ўтаяпти. Сен “ухлаб ётган бригадир бориб кўрмаган” деган отизга сув чиқариш минг азоб. Уч кеча ухламай, зўрға суғордик. Сал ошириб юборибсан, раисдан-ку кунда сўкиш эшитамиз, энди райқўмдагилар ҳам роса ғажишди”.

Уятдан ерга кириб кетай дедим ва эртасигаёқ газетадан бўшаб, мактабга ишга ўтдим”...

***

Матназар оға вақтидан олдин дунёга келган авлод вакили эдилар. Шундан юраги тубида қанча-қанча фикрлари кўмилиб қолаверди. Вақт келганида уларнинг бир қисмини юзага чиқардилар... ундаям қўлида қалам эмас, болта ушлаган муҳаррирларнинг синчков нигоҳлари остида.

Чорак асрдан зиёд акадўстим бўлган инсон билан ўзаро саёҳату сайрлардаги суҳбатларда айтмиш фикрларини имкону иқтидорим қадар тўплаб “Оға билан суҳбатлар” номлиғ бир рисола тайёрладим.

Бу рисоламиз мана бир мучал вақт ўтдики, нашр юзини кўрмади ҳали...

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!



# УСТОЗИМНИ ХОР ҚИЛМАНГ

## ёхуд ўқитувчиларни ота-оналардан узр сўраттирган Андижон ХТБчилари ҳақидаги хабарни ўқиб...

**ЧАМАСИ 8-СИНФДА ЎҚИРДИМ. ТАНАФФУСДА МАКТАБ ҲОВЛИСИГА ЧИҚҚАНДИК. ҚЎНҒИРОҚ ЖИРИНГЛАБ, ДАРСГА ЧОРЛАДИ. КЕЧИКМАСЛИК УЧУН ЮГУРАЁТИБ, СИРПАНИБ ЧАЛҚАНЧАСИГА ЙИҚИЛДИМ. ТАҒИН ЁМҒИРДАН ҚОЛГАН КЎЛМАК УСТИГА!**

Дугоналарим дарҳол кўтариб олишди, аммо курагимдан орқа этагимгача муздек лойқа сувга ботиб бўлгандим. Бу ҳолда дарсда ўтириб бўлмаслиги аён. Дугонам югуриб бориб сумкамни синфхонадан олиб чиқди-да, кетаверишимни, устозга вазиятни айтиб қўйишини билдирди. Қолганлар ҳам маъқуллашди.

Уйга келсам, онам ҳовлида кир ювиб ўтирган экан. Соатга қарамаса ҳам, вақтлироқ қайтганимни сезди-да, икки қўлларини тоғорадан шарт чиқарган кўйи савол назари билан қаради.

– Йиқилиб тушдим... охирги соатгагина киролмадим...

Гапимни исботлаш учун орқамни ўгирдим. Қайрилсам, онам ҳануз ўша жаҳлда.

– Йўл ҳаракати қоидалари дарси эди...

– Тез орқангга қайт! Нима, йўл ҳаракати дарс эмасми сенга?!

Биламан, боргунимча у дарс тугаб бўлади, йилда бир марта ҳам дарс қолдирмайдиган мен ўқувчисидан устозим хафаям бўлмайди. Лекин бормасам ҳам бўлмасди. Бошимни эгганча мактабга қараб кетдим. Кийимимнинг ҳўллигиям сезилмас, фақат онамнинг жаҳлли таъқиблари мени янада шиддат билан қуваётгандек ва катта гуноҳ қилиб қўйгандек уни ювиш учун учардим...

***

Беш қўл баробар эмас, бизнинг давримизда ҳам сабоғини маромида етказолмайдиган устозлар бўларди. Бироқ биз на мактаб гапини уйга, на уйникини мактабга кўтариб юрмасдик. “Иккичи” ўқувчилар кўкаргунча калтаклансаям, беш-олтита устма-уст қўйилган папкани бурчакда соатлаб юқорига кўтариб турсаям, тишини тишига қўяр, ота-онасига айтиш тугул, ўша кўкарган жойини бекитиб юрарди. Чунки улар устоздан-да қаттиққўл эдилар.

Дарсдан сўнг совуқлардаям хонани қўлимиз яхлаб тозалардик, артардик. Хуллас, Конституцияни у даражада англаб етмаган бўлсак-да, ўқитувчимизнинг гапи, топшириғи биз учун Конституция эди! Қараши Конституция эди, томоқ қириши, ручка билан партани тақиллатиши ҳам.

Тўйларга-ку боролмасдик устозлардан қўрққанимиздан, кўча-куйда кўриб қолсак ҳам, дарахтнингми, деворнингми панасига беркинардик. “Дарс қилмай, уй ишларида ота-онангга ёрдамлашмай санғиб юрибсанми?”, дегандек туюларди. Чунки у бизга ҳамма жойда устоз эди, хўжайин эди, ҳақдор эди. Чиндан-да отамиздан улуғ билардик! Отамизнинг ўзи бот-бот айтарди: “Устоз отангдан улуғ!”. Ҳатто ота-оналаримиз ҳам ҳайиқарди ўқитувчиларимиздан, ота-оналар мажлисига борганда эса юрак ҳовучлаб ўтиришарди, боламнинг ялқовлиги ёки шўхлиги учун дакки эшитмасмикинман, деган ҳадикда.

Ҳозир-чи, аввало, ана шу ҳикматни муҳокама қила бошладик: “Устоз отадек улуғми, отангдек улуғми?”. Буниям, аминманки, ўқувчилигидан ялқову дангаса, дарс қилиш кўнглига ёқмаган, ота-онасининг қистови билан китоб ўқишга ундалганда дарсликни очибоқ, унга бош қўйиб ухлаб қолган, бугун эса уч-тўрт сўм топганидан ҳаволаниб, “Ўқимасаям, одам бўларкан-ку, мана”, деб ўзини кўрсатиб қўймоқчилар ўйлаб топишди.

Устозларнинг топшириғини вақтида қилиб, бугун унинг роҳатини кўрган инсон асло бунақа парчаламайди ҳикматни. Аслида, падари бузрукворимиз, у рози – Худо рози бўлган инсон қанчалар улуғки, устоз эса илм-маърифат ўргатгани учун ана шу улуғимиздан-да улуғлигини тушуниш учун ҳам инсон отасини улуғлаганлардан бўлиш керак.

Кеча ҳикматни парчалашга уринганлар, бугун устозларини қаторасига шахмат доналаридай териб қўйиб кечирим сўраттиряпти! Ижтимоий тармоқларда авж олган ўша нохуш хабар – Марҳамат туманида юз берган ҳолат, яъни туман халқ таълими бўлими мутасаддилари ўқитувчиларни омма олдида жамоавий узр сўрашга мажбур қилиб, улар қадр-қимматини ерга уришганига кўзим тушди-ю, худди менга сабоқ берган азиз ўқитувчиларим машаққатлари, ёвузликдан эзгулик, ёмонликдан яхшиликни фарқини кўрсатганлари ва бизни тўғри йўлга бошлаганлари эвазига бугун раҳмат эшитиш ўрнига айбдорларча бош эгиб тургандек сесканиб кетдим. Бундай ишни амалга ошириб, ўқитувчиларнинг бошини хам қилган, шаънига дахл қилиб, маънавий зарар етказганлар халқ таълими бўлими тугул, мактаб қоровули бўлишгаям ҳаққи йўқ! Аминманки, ўша мутасаддиларнинг ўзлари вақтида ёлчитиб дарс беролмаган, ўқитувчилик машаққатини тотмаган, ҳузурини кўрмаган. Бу қилмишлари, хусусан, ўқитувчилик шаънига етказган зарарлари учун қонун олдида жавоб беришлари шарт! Акс ҳолда, эртага дарсёқмас ўқувчилар ҳам “Мендан кечирим сўранг, йўқса, кечирим сўраттирувчи ташкилотга арз қиламан, ишсиз қоласиз” деб ўдағайлашга ўтишади, уларнинг кетидан югуриб борган ота-оналари ҳам шу дағдағани такрорлашади.

Аслида, қайсики ўқитувчи талабга жавоб бермаётган бўлса, уни тегишли тартибда имтиҳон қилиш, малакасини ошириш, шунда ҳам натижа бўлмаса, таълим келажаги учун энг мақбул чорани кўриш кифоя. Лекин узр сўратиш ҳеч қайси меъёрга тўғри келмайди. Халқ таълими вазири ва тегишли идоралар бунга қатъий чора кўришади деб умид қиламиз.

Зеро, ҳазрат Абдураҳмон Жомий айтганларидек:

***Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,***
***Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.***

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**“XXI asr” мухбири**

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 251 Адади: 3562
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар
**Элёржон Неъматов, Маъруфжон Раҳмонов**
саҳифалади.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:
**Озод РАЖАБОВ**